MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 12 MAY ◆ SHANBA ◆ № 54 (26.756)

Тошкентда 11 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни ташкил этиб, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси бўйича молия вазири М. Нурмуродов маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Ахадов қўшимча маъруза қилди.

Мазкур масала муҳокамаси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги ишларнинг етарли эмаслиги, ўз фаолиятига танқидий ёндашувнинг, маблағларни бюджетга жалб этишда тўсқинлик қилувчи омилларнинг чуқур таҳлили йўқлиги борасида қатор танқидий мулоҳазалар билдирди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ижтимоий мақсадларга ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қониқарсизлиги, мамлакатимизнинг қатор вазирликлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари томонидан бюджет ижроси бўйича назорат сусайтириб юборилганини қайд этди. Президент бу борада халқ хўжалиги тармоқларида бюджет ижроси, бошқарув аппарати учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли тарзда қисқартирилиши юзасидан доимий парламент назоратининг ўрнатилиши ва шу тариқа парламентнинг иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, халқ ҳаёти фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилишига таъсирини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг асосий молия ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокамасида Урганч касб-ҳунар қурилиш коллежи директори И.Бойжонов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Ў.Неъматов, «Наманганирқурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, Нукус шаҳри ҳокими И.Қалмуратов, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки бошқарувининг раиси Ж.Сайфиддинов иштирок этди. Депутатлар 2000 йил ва жорий йилнинг биринчи чораги бўйича давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Тўхташев «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Баҳронов, Андижон вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси А.Содиқов, Навбаҳор тумани ҳокими Г.Облоқулов, «Дон — халқ ризқи» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси А.Темиров ўз мулоҳазаларини билдирди. Парламент «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади ва бу борадаги ишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Э.Саидаҳмедов, Термиз тумани ҳокими Б.Панжиев, Олий Мажлиснинг атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси котиби Э.Мирзаев, Улуғнор тумани ҳокими К.Обидов ўз фикрларини билдиргач, депутатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Парламентнинг кечки йиғилиши «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси билан бошланди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик мазкур масала юзасидан маъруза қилди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М.Мирҳамзаев, Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси К.Панжиев, Шўрчи тумани «Пахта» акциядорлик жамияти раиси Р.Абдуллаев иштирок этди. Мазкур қонун ҳам қабул қилинди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева сессия эътиборига Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил касалидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ҳавола этди. Мазкур масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кардиология илмий-текшириш институти директори Р. Қурбонов, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г. Латипова, Амударё тумани ҳокими Р. Йўлдошев, Ургут тумани ҳокими Ҳ. Нуруллаев сўзга чиққач, депутатлар қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси давом этмоқда.

Суратларда:
сессиядан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

BU dunyoning ishlari

Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов мамлакат президенти Владимир Путин жорий йилнинг сентябрида Финляндияга ташриф буюражагини маълум қилди. У шу муносабат билан Финляндияда бўлиб, учрашувга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан музокара ўтказди.

***

Ироқ бош вазири ўринбосари Тариқ Азизнинг айтишича, расмий Бағдодга ўн йил илгари жорий қилинган халқаро иқтисодий жазодан айрим давлатлар катта миқдорда зарар кўрган бўлса, АҚШ ва унга иттифоқчи мамлакатлар мўмайгина даромад орттирган. Хусусан, иқтисодий жазодан Россия шу кунгача 70, Туркия эса 35 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган. АҚШ эса, аксинча, бу жазодан 300 миллиард доллар фойда кўрган, деди у.

***

Мьянмада гиёҳвандлик муаммосига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Бундай халқаро тадбирни ўтказишга бежиз Мьянма танлангани йўқ, деди БМТ вакили. «Олтин учбурчак»ка кирувчи Мьянма, Лаос ва Таиланддаги хуфёна заводларда ҳар йили минглаб тонна «ажал уруғи» қайта ишланади ва турли йўллар орқали дунё давлатларига чиқарилади.

***



Хитой АҚШ билан унинг ракетадан мудофаа тизими масаласида маслаҳат ўтказишга тайёр. Мазкур мамлакат ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Сун Юйси шуни маълум қилди. Унинг айтишича, расмий Пекин бундай тизимнинг яратилишига мутлақо қарши. Бу дунёда қуролланиш пойгасининг бошланиб кетишига олиб келади, деди у.

***

Колумбия парламенти мамлакатда террорчи гуруҳларга қарши кураш ва жиноятчиларни жавобгарликка тортишни янада кучайтиришга қаратилган янги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Эндиликда мўмайгина пул ундириш мақсадида фуқароларни гаровга олган жиноятчилар йигирма йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Янги қонун мамлакатда террорчи гуруҳларга нисбатан раҳм-шафқат кўрсатишни бутунлай тақиқлайди.

ҒИЖДУВОН ТОЛАСИ – ХОРИЖГА

«Ғиждувон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти тамғаси босилган толалар бугун Америка, Италия, Хитой, Швейцария сингари ўнлаб ривожланган мамлакатлар тўқимачилик саноатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижлик харидорлар кўҳна заминда яратилган «Бухоро-6» навли пахта толаси сифатига юқори баҳо берган ҳолда ҳар томонлама манфаатли шартномалар тузишмоқда.

— Ўтган йилги мавсумда 52265 тонна пахта хомашёсини қабул қилиб олгандик, — дейди акциядорлик жамияти раиси Амон Шодмонов. — Шундан ҳозиргача 50 минг тоннадан кўпроғини қайта ишладик. Бунинг эвазига 16721 тонна тола олишга эришдик. Хорижга эса 16216 тонна сифатли тола жўнатдик.

Ҳа, ғиждувонлик пахта тозаловчилар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Юртимизда чет тилларни ўрганишга қизиқиш катта. Инглиз тилини пухта ўзлаштираётганлар сафи кенгаймоқда. Зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида «Ўқитувчи» нашриёти ҳам қўлланмалар чоп этишга киришди. Хусусан, «Ўқитувчи китоби» 5-синф ўқувчиларига инглиз тили бўйича муҳим қўлланмага айланиши мумкин. Нашрда болалар билан якка тартибда ва гуруҳ бўлиб мулоқотда бўлиш йўл-йўриқлари ҳақида алоҳида маълумотлар бор. Қўшимча сифатида тест саволлари ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, нашриётда «Кичкинтойлар учун инглиз тили» қўлланмасининг босилиши ҳам ёшларга ўзига хос совға бўлди.

■ **Акбар АЛИЕВ**

ПИЛЛАЧИЛИК ЕНГИЛ СОҲА ЭМАС

Ипакчиликни ривожлантириш республикамиз иқтисодиёти учун қўшимча имкониятлар беради. Чунки бугун экспортни кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш саноатчи қатори қишлоқда яшаётган оддий пиллакорнинг ғайрату шижоатига ҳам боғлиқ. Шу боис «Туркистон-пресс» мухбири «Ўзбек ипаги» уюшмаси раиси муовини, «Пилла холдинг» холдинг компанияси бошқаруви раиси Шавкат Умаровга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Бу йилги ипак қурти уруғларини тарқатиш ва парваришдан кўнглингиз тўляптими?

— Албатта. Чунки бу юмушни сифатли бажармасдан ишлаб бўлмайди. Шунингдек, биз махсус корхоналарда тайёрланган ипак қурти уруғларини тарқатиш билан бир қаторда Хитой Халқ Республикасидан 114 минг 900 қути пилла уруғи олиб келдик. Бу пилла нави сермаҳсул, ипаги пишиқ, жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Жойларга компаниямиз мутахассисларини жўнатганимиз ҳам яхши самара берди. Бу йил республикамиз бўйича 430 минг қутидан ортиқроқ ипак қурти уруғларини парваришлаб, 22 минг 500 тонна пилла тайёрлашни мўлжаллаганмиз. Тизимдаги Ипакчилик илмий тадқиқот институти олимлари томонидан ҳам сермаҳсул зотларни етиштириш борасида сезиларли ишлар қилиняпти. Хусусан, «Ўзбекистон-5», «Ўзбекистон-6», «Ипакчи-1», «Ипакчи-2», «Турон» зотларини ишлаб чиқаришга тавсия этдик.

— Пилла мавсуми олдидан қандай тайёргарлик ишлари кўрилди?

— Ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ипак қуртига даста қўйиш мавсуми бошланди. Пилла қабул қилиш пунктларида қизғин иш олиб борилмоқда. Тарози ва тошларни махсус текширувлардан ўтказиш ишлари ҳам тугалланмоқда.

Бу йил пиллакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳозирга қадар уларга 4,5 миллиард сўм нақд пул етказиб берилди. Бугунги асосий вазифа — сифатли пилла етказиш учун бешинчи ёшдаги қуртлар учун тутларни шикастламасдан, барча қоидаларга мувофиқ ҳолда кесиб олиш ва барглардан озуқа сифатида тўғри фойдаланишдир. Шунда биз режадаги 20 минг 200 тонна пилла ҳосилини 22 минг 500 тоннага етказа оламиз.

Ҳукуматимизнинг ўтган йил 15 мартдаги қарорида ипак қурти озуқа базасини кўпайтириш ҳамда ипакчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш борасида қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларимизда 11 миллион 830 минг туп тут кўчатлари экиш, 704 гектар тутзорлар ташкил қилиш мўлжалланган эди. Афсуски, баъзи вилоятлардаги мутасадди раҳбарларнинг айби билан ҳозирга қадар 9 миллион 300 минг туп тут кўчатлари экилди. Айниқса, тутзорлар ташкил қилиш масаласига Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларида жиддий эътибор берилмади, режалаштирилган тутзорларнинг атиги 25-55 фоизигина яратилди, холос. Мазкур вилоятларда тут кўчатларини озиқлантириш, суғориш ишлари ҳам кўнгилдагидек ташкил қилинмаган. Келгусида жойларда тутзорларни кўпайтириш, парваришлашга жиддий эътибор берилса, соҳадаги ютуқлар янада кўпаяди. Бу эса барчамиз учун фойдалидир.

■ **«Туркистон-ПРЕСС»**

ФАЙЗЛИ ЎТАЁТГАН ОҚШОМЛАР

Зафаробод туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман марказида ҳар ҳафтанинг жума куни «Мўъжизалар майдони», шанба куни эса «Шанба оқшоми» деб номланган кўнгилочар маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Туман маданият ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бундай оммавий тадбирлар кўпчиликка манзур бўлаётир.

— Кундузги унумли меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришнинг гашти бор, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Қаҳрамон Силлиев. — Шуни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ оқшомларини файзли, шукуҳли ўтказиш тадбирларини кўраяпмиз. Ҳомий корхона ҳамда ташкилотлар, тадбиркорлар кўмагида ўтаётган бундай оқшомларнинг янада файзли бўлишида «Чўлқувар» халқ дастаси жамоасининг хизматлари, айниқса, катта бўлаётир.

Зеро, кўнгилли дам, меҳнатга ҳамдам, — дейдилар.

■ **Зокир АНОРБОЕВ**

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ЖАЗОЛАШ ОРГАНИ ЭМАС

Мен Олий Мажлис депутати сифатида парламентимизнинг муҳташам кошонасига ҳар гал ҳаяжон билан қадам қўяман. Боиси, истиқлол йилларида худди ана шу ерда халқимиз ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ, ёруғ истиқболга элтувчи қонунлар қабул қилинди. Албатта, ҳамма қонунлар миқёси ҳақида тўхталиш имкони йўқ. Бир сўз билан айтганда, қабул қилинган бу қонунлар кундалик ҳаётда ўз ифодасини топяпти. Биргина ёшлар ҳақидаги қонунни олиб қарасак, ёшлар сиёсати, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшашлари ва ўқишлари учун шарт-шароит яратиб бериш давлатимизнинг устувор вазифасига айланганлигини кўришимиз мумкин. Нафақат шаҳарда, балки олис-олис қишлоқларда ҳам энг замонавий коллеж ва лицейлар қад ростламоқда. «Баркамол авлод» ўйинлари ҳамда яқинда ташкил топган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини айтишнинг ўзиёқ ёшлар қай даражада ҳукуматимиз эътиборида турганлигидан далолатдир. Бугун ўзбек фарзанди Америка, Англия, Япония, Германия каби дунёнинг тараққий топган давлатларида таҳсил олмоқда.

Ҳам депутат, ҳам туман раҳбари сифатида биз попликлар ҳам ёшлар учун туманда бир қанча ишларни амалга оширмоқдамиз. Яқинда туманимиз марказида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилади. Маданият саройи тўлиқ қайта таъмирлашдан чиқарилиб, санъатсевар ёшларимизнинг севимли жойига айлантирилмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам марказининг туман шаҳобчаси, Ахча-Поп тоза ичимлик сув иншооти қурилиши ҳам яқин кунлар ичида тўлиқ ниҳоясига етказилади.

Ҳар галгидек Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида мамлакат ва халқ ҳаёти билан боғлиқ бир қатор зарур масалалар кўрилади. Жумладан, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаси биз депутатлар муҳокамасига қўйилиши катта ҳаётий аҳамиятга эга.

Шу ўринда «Прокуратура тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ўз фикримни билдирмоқчи эдим. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган эканмиз, қонунлар устуворлиги, бу борада прокурор назорати катта аҳамиятга эга, албатта. Аммо, очиғини айтиш керак, эски тоталитар тузум давридаги «Прокуратура жазолаш органи» деган нотўғри тушунча оддий одамлар онгида ҳануз яшаб келяпти. Ваҳоланки, прокуратура қонунлар ижросини назорат қилади, қонун бузилган жойда халққа ёрдамга келади. Шундай экан, прокуратура билан фуқаролар ўртасидаги муносабатга, самимият ва ўзаро ҳурматга доир бирор банд қонун лойиҳасига киритилса айни муддао бўларди.

■ **Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ,**
Поп тумани ҳокими,
Олий Мажлис депутати



Қарши шаҳридаги Саида Насафий номидаги марказий кутубхона жамоаси юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. «Ўзбекистон — истиқлол йилларида», «Мустақиллик ютуқлари», «Ўзбекистон — келажаги буюк мамлакат» каби ўнлаб китоб кўргазмалари ўтказилмоқда.

372 минг 550 китоб фондига эга бўлган ушбу кутубхона ўз китобхон ва мухлисларига эга. Уларга 55 нафар кутубхоначи беминнат хизмат қилмоқда.

Суратда: кутубхона ҳаётидан лавҳа.

■ **Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳар партия ташкилотлари томонидан қатор тадбирлар ўтказилди.

Миробод туман партия кенгашида уруш фахрийлари — партия фаоллари учун қабул маросими уюштирилиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Собир Раҳимов ва Яккасарой туман ташкилотлари фаоллари уруш фахрийларини уйларига бориб табрикладилар. Фахрийларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Чилонзор туман партия кенгаши ва «Катта Чилонзор-1» маҳалласи фаоллари шаҳардаги 183-мактабда уруш ва меҳнат фахрийларининг ўқувчилар билан учрашувини ташкил қилдилар.

Шайхонтоҳур туман партия кенгаши «Ибн Сино» маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари қабулини уюштирди.

Акмал Икромов туман ҳокимлиги ва туман партия кенгаши А. Икромов номли боғда уруш қатнашчилари иштирокидаги тантанали тадбирни ўтказдилар.

* * *

Избосканда туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Олтин мерос» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида 2000 йилнинг гашлари ҳисоб ва иш юритиш ходимларининг навбатдаги минтақавий семинари Бўка туман партия кенгаши негизида ўтказилди. Унда Бекобод шаҳар, Бекобод, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туман партия кенгашлари масъул ходимлари иштирок этдилар. Семинар иштирокчилари ХДП Бўка туман партия кенгаши биринчи котиби С. Султонов маърузасини тинглаб, таҳриба алмашдилар. Тадбирда Тошкент вилоят партия кенгаши котиби Н. Тоиров иштирок этди.

* * *

ХДП Ангрен шаҳар кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими билан биргаликда наркоманияга қарши курашга бағишлаб ёшлар вакиллари учрашувини уюштирди. Шаҳар ички ишлар бўлими, прокуратура, соғлиқни сақлаш муассасалари масъул ходимлари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Йиғилишда Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Исроилов сўзга чиқди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Булоқбоши туман кенгаши томонидан туман Бизнес мактабида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти негизида кўргазмали семинар ўтказилди. Семинарда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари асосий ўрин эгаллади.

* * *

Шовот туман партия кенгаши ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни ҳимоялаш борасида ХДПдан сайланган депутатлар билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган. Партия кенгаши томонидан ташкил этилган депутат қабулхонасида аҳолини қабул қилиш ташкил этилган. Халқ депутатлари туман кенгаши депутати, «Турон» кичик корхонаси раҳбари Пўлат Раҳимовнинг саъй-ҳаракатлари билан фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилашга оид қатор мурожаатлари ижобий ҳал қилинди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида депутат ёлғиз яшовчи пенсионерлар — Д. Бекчонова, К. Матсалаев, Б. Маҳмудоваларга ўз ҳисобидан моддий ёрдам берди.

* * *

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида партия Чироқчи туман кенгаши биринчи котиби М. Бойхоновнинг «Ўзбекистон ХДП Чироқчи туман партия кенгашининг партия аъзолари сонини ўстириш, ҳудудий ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар ҳақида»ги ахбороти муҳокама этилди, шунингдек, унда ишдаги камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этишга таллуқли тавсиялар берилди.

* * *

Самарқанд шаҳар партия кенгаши аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш масаласига доимий эътибор бериб келмоқда. Кенгаш қошидаги «Бибихоним» клуби томонидан «Она борки — мунаввар олам» мавзуида ўтказилган тадбирда ҳам аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари муҳокама этилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши ташаббуси билан «Наматак» қишлоқ фуқаролар йиғинида партия фаоллари иштирокида «Ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш — давр талаби» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди.

* * *

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳузурида «Истиқбол» ёшлар клуби ўз ишини бошлади. Клубнинг дастлабки йиғилиши «Миллий қадриятлар ва ёшлар» мавзуига бағишланган бўлиб, унда ёш ҳуқуқшунослар, ижодкорлар, талабалар мазкур мавзуга оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Сирдарё вилоят телевидениеси журналисти, сиёсатшунослик фанлари номзоди Зебо Ҳайдарова ёшлар клубининг раиси этиб сайланди.

Анжуман сўнггида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

* * *

ХДП Оқолтин туман кенгаши уюштирган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг навбатдаги семинарида Хотира ва қадрлаш кунини маҳалла ва гузарларда мазмунли ўтказиш масаласи муҳокама этилди. Унда ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ташкил қилинган тадбирларда ХДПдан сайланган депутатлар, фуқаролар йиғинларининг раислари иштирок этдилар.

* * *

ХДП Ховос туман кенгаши тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бошланғич ташкилотлар котиблари ва маҳаллалар фаоллари иштирокида «Гулбаҳор» фуқаролар йиғини негизида оқсоқоллар сайловига бағишланган кўргазмали семинар уюштирди.

* * *

ХДП Боёвут туман кенгаши туман хотин-қизлар кенгаши ҳамкорлигида «Она ва бола» давлат Дастури доирасида «Аёл ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқлари» мавзуида қишлоқ аёлларининг учрашувини ўтказди.

Унинг сўнггида ХДП Боёвут туман кенгашининг биринчи котиби Д. Ғозибеков жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ аёлларга эсдалик совғаларини топширди.

* * *

Косонсой туманидаги иқтисодиёт коллежи ХДП бошланғич ташкилоти уюштирган «Ёшлар буюк келажак сари» мавзуидаги кечада олимлар, ижодкорлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари талабалар саволларига атрофлича жавоб бердилар.

* * *

ХДП Учқўрғон туман кенгаши Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ва Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида чим устида хоккей бўйича туман биринчилиги учун мусобақа ўтказишга бош-қош бўлди. Ғолиблар туман партия кенгашининг совғалари билан мукофотландилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



Норин туманида бугунги кунда 115200 киши истиқомат қилади. Аҳолиси зич бўлган бундай туманда тиббий хизмат кўрсатиш, улар саломатлигини мунтазам назорат қилиб боришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Тумандаги тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили бу ерда вилоят «Шошилинч ёрдам» илмий марказининг 30 ўринли шаҳобчаси, битта қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда аҳолига 227 нафар малакали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишяпти. Уларнинг 154 нафари олий тоифали шифокорлардир.

Марказий шифохонага «Норин-тола» акциядорлик жамияти ва «Норин» деҳқон ва фермерлар уюшмаси ҳомийлик қилмоқда. Улар 1999 йилда 40 миллион, ўтган йили эса 60 миллион сўм маблағ билан таъминлашди.

Суратларда: *(ўнгдан) туман марказий шифохонаси бош шифокори Гулчеҳра Низомова ва саломатлик посбонларининг заҳматли меҳнатидан лавҳалар.*

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОХ

Янгийўлда Хотира ва Қадрлаш куни ҳашар йўли билан барпо этилган Хотира майдонида ўтказилди. Қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширилган ушбу мажмуанинг асосий мазмуни туманнинг «Гулбаҳор» қўрғонидаги бош майдонда ўрнатилган «Мотамсаро она» ҳайкалида мужассамлашган.

— Ўтганларни хотирлаш, улар руҳини шод этиш, эзгу ишлардан биридир, — дейди туман ҳокими Йўлдош Тожибоев. — Хотира ва Қадрлаш кунининг нишонланиши қадриятларимизнинг янада юксакка кўтарилиши деб биламан.

Фахрийлар бир пиёла чой устида сийландилар. Турли ярмаркалар, савдо шаҳобчалари кечгача хизмат кўрсатди. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА

ИНТЕГРАЦИЯЛАШ — МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ ОМИЛИ

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури мустақил мамлакатимизда жадал суръатлар билан жорий этиб борилмоқда. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириш давлатимиз қудратини оширишга хизмат қилувчи юксак маънавий-маданий, ахлоқий фазилатларга эга бўлган доно, юқори малакали баркамол қадрлар тайёрлашнинг асосидир. Зеро, Президентимиз Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ҳақида гапирганларида «ҳар томонлама етук, юқори малакали кадрлар тайёрлаш — Дастуримизнинг асосий шарти бўлиши керак», деган эдилар.

Тошкент кимё-технология институти республикада кимё, нефть ва газ, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноатлари ихтисосликларига тегишли мутахассислар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Ҳозир институтда фан докторлари, номзодларнинг салмоғи профессор-ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбатан 70% дан ортиқдир. Шу сабабли институт кафедраларида бакалаврлар тайёрлаш бир қаторда аниқ ихтисосликлар бўйича магистрлар тайёрлашга рухсат берилиб, 1998-1999 ўқув йилидан ўндан ортиқ мутахассислик бўйича 144 нафар магистрлар таълим олмоқда.

Магистратура — аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин унинг негизида таълим муддати камида икки йил давомли олий таълимнинг юқори босқичидир.

Таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлашга нисбатан магистрларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиши ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг ўқиш жараёнини ташкил қилишда мустақил ишлар салмоғи кўпроқ бўлиши, шунинг учун ҳам магистрантлар бутун ўқув жараёни давомида техник ва технологик ижодиёт ишлари билан шуғулланишлари талаб этилади. Магистрлар ўқув режасидаги ўқув юкламалари ҳажми тақсимланишида магистрни мустақил ижодий, илмий ва технологик амалиёт ўтишларига катта аҳамият берилади. Бу эса магистрларни келажакда ихтисослик йўналишига мос келувчи илмий-тадқиқот институтларида изланишларни давом эттиришларига замин ҳозирлайди.

Шулар билан бир қаторда магистрлар тайёрлашдан асосий мақсад — олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини юқори малакали ўқитувчилар билан таъминлашдир. Буларни назарда тутиб магистрларнинг ўқув жараёнида педагогика, янги педагогик технология, педагогик маҳорат ва ижодиёт психологияси каби фанлар ўқитилиб, уларнинг педагог бўлиб етишишларига замин тайёрланаяпти. ТошКТИ магистрлари учун ўзлари танлаган мутахассислик фанлари билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ҳам ҳозирги куннинг долзарб муаммоларига қаратилган фанлар ва махсус курслар ўқитиб келинмоқда. Магистратурага қабул қилинган талабалар билан институт раҳбариятининг учрашуви, суҳбатлари ўтказилди ва унда талабалар ҳамда уларнинг ўқитувчилари олдига қўйилган долзарб вазифалар келишиб олиниши анъанавий тус олган. Магистрантларга биринчи курсданоқ илмий мавзу бериш ва диссертация ишларига раҳбарлик қилиш учун юқори малакали профессорлар тайинланиши йўлга қўйилган.

Магистратура босқичи талабаларининг етуклиги, фаоллиги таҳсил олаётган кафедранинг моддий-техника базасининг замонавий асбобускуналарга эгалиги ва уларга раҳбарлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг ҳам моддий-техника базалари, ҳам илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш магистрлар тайёрлашда муҳим эканлигига катта эътибор қаратилган.

2001 йил бошида ТошКТИ билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари — Умумий ва ноорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси, Микробиология, Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё, Вирусология, Онкология ва радиология, Математика, Электроника, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда Экономика институтлари ўртасида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Магистрлар тайёрлаш борасида амалга оширган ишларимиз Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини ҳаётга татбиқ қилинишидаги биринчи босқичнинг дастлабки натижаларидир. Магистрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилган. Биринчидан, тармоқ вазирликлари, концернлар, уюшмалар, холдинг компаниялар ҳамда олий таълим бўйича магистрларга бўлган талаб мониторингини ишлаб чиқиш ва шунга асосан магистратурага қабулни такомиллаштириш. Иккинчидан, магистрлар диссертацияларини тайёрлашда Низом ва асосий қоидаларни мукаммал ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари жамоаси иштироки ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама этиш ва тасдиқлашга тавсия этиш. Учинчидан, магистратурада чет тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Магистрлик диссертацияларининг ўз вақтида сифатли тайёрланиши ва ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларида муваффақиятга эришган магистрантларни аспирантурага тавсия этиш, устувор йўналишга эга долзарб мавзудаги тадқиқотларни давом эттириб номзодлик диссертацияси даражасига етказиш институт жамоаси олдидаги асосий вазифалардан биридир. Бу эса Юртбошимизнинг магистрлар олдига қўйган талаб ва вазифаларни тўлиқ бажариб, мамлакатимизни ривожлантиришни таъминлай оладиган, юксак маънавий хислатларга эга кадрлар бўлиб етишларида йўлчи юлдуздир. Биз, устозлар бу борада тажрибамизни, куч ва билимимизни аямаймиз.

■ **Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ,**
ТошКТИ ўқув ишлари бўйича ректор муовини, республикада хизмат кўрсатган ихтирочи

Севимли қизиқчимиз Обид Асомов оила аъзолари даврасида

■ **Рустам ШАГАЕВ олган сурат**

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

ЕВРОПАНИНГ ЯШИЛ ДИЁРИ

Конрад Аденауэр фондининг республика бўйича ўтказилган кўп йўналишли танловида ғолиб чиқиб, Германияга сафар қилиш шарафига мушарраф бўлдик. У ерда бизни Халқаро ҳамкорлик институти Осиё бўлими раҳбари Колин Дюркоп ва унинг ходимлари кутиб олишди. Дастурхон дид билан безатилган. Стол устида турфа ранг гуллар. Жаноб Дюркоп биздан гулларга эътибор беришимизни сўради. Гуллар байроғимиз ранггида танланган экан. Кўк, оқ, яшил рангдаги гуллар шундай терилганки, стол устига худди байроғимиз тўшалгандек эди. Биз бундай эътибордан ниҳоятда руҳландик.

Қабулдан сўнг Рендорфга йўл олдик. Бу шаҳарча тоғ ёнбағирларига жойлашган. Тоғнинг чўққисида эса Германиянинг биринчи канцлери Конрад Аденауэрнинг уй-музейи. Канцлер хонасининг деворлари деразадан иборат бўлиб, шаҳар шундоққина кафтдагидек кўриниб туради. Умуман, шаҳар такрорланмас меъморий кўринишга эга. Бинолар бир-бирига умуман ўхшамайди. Ҳайкаллар кўп ва улар дид билан танланган.

Музейдан чиқиб қадимий ва тарихий шаҳар — Боннинг кўчалари бўйлаб пиёда сайр қилар эканмиз, бу ернинг меъморчилиги ҳам ўзига хос эканлигини англадик. Айниқса, ўсимликлар дунёсига эътибор катта эканлиги шундоқ кўзга ташланарди. Чор-атроф гуллар билан безанган. Немислар, айниқса, мевали дарахтларни эъзозлашар, «Ҳар бир германияликка бир туп мевали дарахт» шиори бу ерда амалда экан. Биз Вердер шаҳрида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Бонн қадимий шаҳар. Шунинг учун ҳам бугунги кунда у ерда янги қурилиш ишлари олиб борилмайди. Немислар Бонни қандай бўлса, ана шундай асрашга интилишади. Германиянинг кўп шаҳарларида йўлларга тош ётқизилган. Уйларнинг аксарият қисми ҳам тошлардан иборат. XIV-XV асрларга тааллуқли уйлар худди кеча қурилгандай турибди.

Германияда ерни қадрлашади. Аҳоли асосан тоғ ёнбағирларида, тепаликларда яшайди. Пастликда эса ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий бинолар. У ерда сунъий суғориш умуман йўқ. Асосан ёмғирдан фойдаланишади.

Бу ерда бизни ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган ҳурматнинг юқорилиги ҳайратга солди. Немислар ҳар қанча зўр бўлса-да, четникидан кўра ўз маҳсулотига кўпроқ эътибор беришади. Коммунал хизмат ҳам юқори даражада. Ахлат қутилари турлича бўлиб, шишалар, қоғозлар ва бошқа чиқиндилар алоҳида-алоҳида ташланади. Шуниси диққатга сазоворки, фойдаланилган сув саккиз бор қайта ишлангандан сўнггина ер остига оқизиларкан.

Биз мамлакатнинг турли жойларида бўлиб, оддий одамлар, маъмурият вакиллари билан учрашдик. Ҳамма жойда мамлакатимизга бўлган ҳурматнинг юқорилигини сездик. Сафар давомида «Хоэклое цайтунг» газетаси таҳририятида ва «Эрфурт» телевидениесида ҳам бўлдик. Улар сафаримиз сабаблари, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, халқимизнинг бугунги куни ҳақида мақола ва кўрсатувлар тайёрлашди.

Суратда: Сан Сусси саройи ёнида

■ **Гулчеҳра ПАРДАЕВА, Сирдарё вилояти телевидениеси «Ёшлар» таҳририяти раҳбари**

ИЛМУ ҲИКМАТ — СУВНИ ЁНДИРАР

ЭЛЕКТРОН КИТОБ

Оббо, тиниб-тинчимаган японлар-ей. Энди улар томонидан электрон китоб ишлаб чиқилди. Бу билан мазкур китобларни компьютерда ўқиш имкони яратилди ва одатий китоблар нашр этиш соҳаси билан рақобат қила олади. Янги қурилма хотирасида 250 саҳифагача матн ва расмни сақлай олади.

БЕШ КУНЛИК ОПЕРАЦИЯ

Сиём эгизаклари ҳақида кўп эшитганмиз. Уларни жарроҳлик операцияси йўли билан бир-биридан ажратишгани ҳақидаям газеталарда ўқиганмиз. Лекин сингапурлик жарроҳларнинг жасорати дунёда биринчи марта содир этилиши. Яъни мамлакатнинг энг етук шифокорлари беш кун тинимсиз давом этган мураккаб тиббий жарроҳлик ёрдамида бош қисми бир-бирига қўшилиб кетган эгизакларни ажратишга эришди. Ўн ойлик бу эгизаклар Непалда дунёга келган бўлиб, гўдакларнинг миялари битта бош қопқоғида жойлашган эди.



ШАМОЛ — ТАБИАТ ҲАЙКАЛТАРОШИ

ХОРИЖДА ИЕ, ЙЎҒ-Е, НАҲОТКИ?!

САЙЁҲ ҚАРИЯ

65 ёшли француз Зеф Жегар қарилик гаштини суриш ўрнига велосипедда сайёрамизни айланиб чиқишни хоҳлаб қолган кўринади. У ўтган йили эллигинчи шимолий кенгликда жойлашган Шарқий Европа мамлакатлари ва Россиянинг бир қисмини велосипедда кесиб ўтган эди. Энди эса қария ўз сафарини давом эттириб, Владивостокка қараб йўл олишни кўзлаб турибди.

ОМАДИ БОР ЭКАН

Германиянинг Эиген шаҳарчасида истиқомат қилувчи 47 ёшли Валтрауд Кречман хоним бир кечада миллионерга айланди. У телевизион шоуда 10 миллион марка ютиб олди. Хоним бу пулга уй сотиб олиш, икки қизчасига от харид қилиш ва эри билан Америкага сафар уюштиришни режалаштирган.

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ҚИШЛОҚДА САВДО ИМКОНИЯТЛАРИ

К. Равшанов 1960 йилда Навбаҳор туманидаги Қалқонота қишлоғида туғилган. 1987 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг савдо иқтисоди факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини Навоий вилоят «Матлуботсавдо» компаниясида товаршуносликдан бошлаган. Кейин «Тара таъмирлаш базасида», «Зарафшон» матлубот ҳиссадорлик жамиятида раҳбар. 2000 йил июнь ойидан бошлаб Навоий туман матлубот ҳиссадорлик жамиятида раис.

— Иқтисодий ислоҳотлар даврида бошқа соҳаларда бўлгани каби «Матлуботсавдо»да ҳам туб бурилишлар бўлди. Шундай эмасми?

— Бугунги кунда нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқ туманларида ҳам савдо хизмати ва маданиятини юксалтириш, тармоқни тўла ислоҳ қилиш давр талаби. Лекин ҳозирча одамлар эҳтиёжини тўлиқ қондира олмаяпмиз. Республика тақсимотидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларига келтириб берилаётган кундалик истеъмол моллари, жумладан, ун, ўсимлик мойи, шакар, хўжалик совунидан ҳаманинг ҳам кўнгли тўлаётгани йўқ. Яна бир муҳим жиҳат — бизга қарашли 41 та савдо нуқтасининг 26 таси хусусий. Улар биз билан шартнома асосида ишлашади, холос. Қолган 15 таси жамиятимиз тасарруфида. Ана шу қирқдан ортиқ савдо нуқтаси билан 68 мингдан зиёд аҳолига савдо хизмати кўрсатамиз. Бу эса савдо шаҳобчаларини янада кўпайтириб, уларни замон талаблари даражасида жиҳозлашни тақозо этади. Жорий йилда биз яна 5 та янги савдо шаҳобчасини очишни мўлжаллаганмиз.

— Кўп ҳолларда савдо яхши йўлга қўйилмаганлигидан, дўконларда ун, шакар, ўсимлик ёғининг тақчиллигидан куюниб гапирамиз. Жамият раиси сифатида бу масаладаги фикрингиз?

— Жамиятимизда тақсимот, молларни тақсимлаш ишлари ҳаммаси ҳисобга олинган ҳолда, ҳар бир аҳолига ҳисобланган ҳолда, ҳар бир аҳолига ҳисобланган ҳолда, ҳар бир аҳолига ҳисоблан

САНЪАТ ОЛАМИДА

ЎЗБЕК РАҚСИ ДУНЁ САҲНАСИДА

Яқинда, аниқроғи, Халқаро рақс куни арафасида М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ЮНЕСКО таркибидаги миллий рақс қўмитасига аъзо бўлди. Бу ташкилотнинг ўзбек санъаткорлари-га юборган табрик хатини бирлашма бош директори Юлдуз Исматова «Баҳор» концерт залида йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Дарҳақиқат, эндиликда дунёда кўзга кўринган жамоалар, таниқли балетмейстерлар аъзо бўлган ушбу нуфузли ташкилот сафида ўзбек санъаткорлари миллий рақс санъатини жаҳонга янада кенгроқ олиб чиқиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари ўзбек рақс усталари ва балетмейстерларидан бир гуруҳини ана шу қўмитанинг навбатдаги симпозиумига таклиф этилиши ҳам қувонарли.

Маълумки, Президентимизнинг Фармони билан рақс санъатининг бой меросини асраш ва ривожлантириш мақсадида «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси тузилган эди. Унга Мукаррама Турғунбоева номи берилиб, пойтахтдаги тўртта жамоа ва вилоятлардан 13 та рақс дастаси бириктирилди. Бирлашма ўз олдига замон талаб ва эҳтиёжларига мос, поёб ва бепазир миллий рақсларимизни қайта ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Шу мақсадда республика хореография олийгоҳи билан ҳамкорлик ўрнатилди, шу соҳага оид адабиётлар, ранг-баранг либослар яратилди.

Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Галия Измайлова, Гавҳар Раҳимова, Қуддуз Миркаримова ва Розия Раҳимова сингари устоз-мураббийлар маҳорати янги рақс мактабига асос бўлди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган қатор рақс ансамбллари Франция, Япония, Германия, Бельгия, Голландия, Туркия, Хитой каби мамлакатларда халқаро фестивал-лар, маданият куплари-да қатнашиб, ўзбек санъати довруғини дунёга ёймоқда.

Моҳир раққоса М. Турғунбоева ташкил этган «Баҳор» ансамблининг бетакрор ижро услуби, либосларининг гўзаллиги кишини ўзига жалб этади. Мана 40 йилдан ошдики, бу жамоа ўзининг 150 дан ортиқ жозибали рақси билан мухлисларни хушнуд айлайди.

«Лазги» ашула ва рақс ансамбли эса Хоразм вилоятида ташкил топган бўлиб, уни Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова 1968 йилда тузганди. Бу миллий рақслари ўзининг шўх-шодон, жозибасию оҳангларининг жарангдорлиги билан Россия, Украина, Тунис, Марокаш, Ҳиндистон, Эфиопия, Иордания, Швейцария, Исландия, Туркия, Япония томошабинларини лол қолдирган.

Ўзбекистонда 1989 йил Юлдуз Исматова томонидан биринчи бор «Таповар» ўзбек рақс театри тузилганлиги ҳам ўзига хос воқеадир. Жамоа томонидан ижро этилган «Темурий маликалар», «Улуғбек буржи», «Нодирабегим», «Бибихоним» ва «Севги пиёдси» каби ўнлаб театрлаштирилган саҳналар ўзининг тарихий ва замонавий рақслари билан мухлислар эътиборини қозонмоқда. Бундан ташқари 1986 йилда Вилоят Оқилова томонидан Бухоро-Самарқанд мактаблари усули асосида «Зарафшон» ансамбли ташкил этилиб, у ҳам қадимий рақсларни қайта тиклаб, саҳнага қўйди. Ўзбек якка рақси ҳам санъатда ўзгача ўрин эгаллаган. Шу боис устоз-санъаткорлар маҳоратини авлоддан-авлодга етказиш мақсадида «Етти гўзал» дастаси тузилган.

Яқинда М. Турғунбоева хотирасига бағишлаб барча вилоятларда яккахон раққосаларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди ва бу республикамиздаги истеъдодли раққосаларни излаб топишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда бу рақс жамоалари юртимизда ўтказилаётган барча байрам намойишларида, турли тадбирларда, корхона ва ташкилотларда, дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, элга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

■ **Умида МАНСУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

01 ОГОҲЛАНТИРАДИ

БЕПАРВО БЎЛМАНГ — ЁНМАЙСИЗ

Яна ўша долзарб муаммо ҳақида: болалар, гугурт, бепарволик, ёнғин. Ёш болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида чиқаётган ёнғинлар сони афсуски ортиб бормоқда. Сўзимизнинг далили сифатида қуйидаги рақамларни келтирамиз.

Биргина Миробод туманининг ўзида ўтган 3 ой ичида 37 та ёнғин содир бўлган (2000 йилда эса 34 та), Уларда 1 киши жароҳат олди. Моддий зарар 372447 сўмни ташкил қилди.

2000 йилнинг декабрь ойида Кунаев кўчасида жойлашган уйларнинг бирида ёнғин содир бўлди. Болалар бировнинг уйига ўғирликка тушиб, хона қоронғилиги учун қоғоз ёқишган. Алангадан уйдаги қоғоз макулатуралари ёниб кетган. Қўрқиб кетган болалар диван орқасига беркиниб олишган. «Омадсиз ўғрилар»нинг оқибатда нафас йўллари куйиб, касалхонага тушадилар ва 3 кундан сўнг вафот этишган.

2001 йил 13 март куни Норхўжаев кўчасидаги 30-уйда ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида жиҳозлар ва уйнинг том қисми бутунлай ёниб кетган. Газ печининг мўриси ўз вақтида тозаланмаганлиги мана шундай оқибатларга олиб келган.

2001 йил 6 апрель куни С.Азимов кўчаси, 79-уйда жойлашган хусусий «NRG» фирмасида ёнғин содир бўлган. Оқибатда фирма офисининг жиҳозлари ёниб кетган. Ёнғин ушбу фирма директори муовинининг эҳтиётсизлик билан сигарета чекишидан келиб чиққан.

Баъзи ҳолда ёш болалар катталарга тақлид қилиб, ўзлари учун «қизиқ» нарсаларни татиб кўргилари келади. Кўпчилик ҳолларда қизиқувчанлик бола учун бу жуда қимматга тушади. Хўш, бунга ким айбдор? Албатта, катталар. Чунки болаларнинг қўлига гугурт қаердан келиб тушади? Айтиш мумкинки, катталарнинг бепарво ва лоқайдлиги туфайли шундай бўлади.

Катталар, огоҳ бўлинг, болаларнинг олов билан ўйнашига йўл қўйманг. Шундагина фарзандларимиз умрини ва уй-жойингизни ўт балосидан сақлаб қолиш мумкин. Агар ёнғин чиқгудек бўлса, дарҳол «01» телефон рақами орқали ўт ўчириш хизматини ёрдамга чақириш керак.

■ **Жалол АСҚАРОВ, Миробод туман 3-ҲЁСБ катта муҳандиси, ички хизмат майори**

Туғилган кун — КИМ? ҚАЧОН?

14 МАЙ

Султон МИРЗААҲМЕДОВ (1954) — кинорежиссёр

Наргиза ҚАРШИБОЕВА — «Тановар» рақс дастаси балет артисти

15 МАЙ

Абдусаид КЎЧИМОВ (1951) — журналист

Ҳилола САХИУЛЛИНА — «Тановар» рақс дастаси раққосаси

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ (1938) — адабиётшунос

Содиқ ДЕҲҚОНОВ (1950) — журналист

16 МАЙ

Раим ФАРҲОДИЙ(1942) —шоир

17 МАЙ

Одинахон БЕКМАТОВА — Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали театри артисти

Тоҳир РАЖАБОВ (1946) — Республикада хизмат кўрсатган артист

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА — Ўзбекистон халқ шоири

18 МАЙ

Лола РИСҚИЕВА — «Зарафшон» рақс дастаси раққосаси

Саид РАВШАНОВ (1938) — ёзувчи

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА — ёзувчи

19 МАЙ

Эркин МАДРАҲИМОВ (1937) — шоир

20 МАЙ

Қундуз БЎРОНОВА — «Тановар» рақс дастаси раққосаси

Жаҳонгир ҲАМИДОВ (1930) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Акрам МЎМИНОВ (1937) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Юрий ФИСАН (1982) — Ўзбекистон рус академик драма театри артисти

Дилшод ОРИПОВ (1977) — юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони

Нина БАГРАМОВА — Ўзбекистон рус академик драма театри актёри

Табриклаймиз, қутлаймиз! ??? 133-12-56 !!! Кўнгироқларингизни кутамиз.

JUMA 18

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши : «Миниатюра- ранг тасвири», «Музей заллари бўйлаб».
9.25, 12.25 ТВ-метео.
9.30 Мумтоз наволар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри: «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Ажаб саодат эрур». Бадиий - публицистик кўрсатув.
12.30 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Наманган вилояти.
12.55 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
13.20 «Саҳна ҳаёти».
13.50, ТВ-анонс.
14.10 «Миллий манфаат».
14.45 Кундузги сеанс: «Буғдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
16.00 «Нурли манзиллар».
16.15 «Цирк! Цирк! Цирк!»
16.35 «Орзулар қанотида».
16.55 «Муҳофаза».
17.05 Экранда - телесериал. «Мерос».
18.10 «Мозий дурдоналари».
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
21.30". Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кеча.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-»Академия».
23.15 ТВ-клуб.
23.35 «Ахборот».
00.10 «Олам». Телеальманах.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR teleka

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билағон маслаҳати».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.50, 12.30, 14.15, 16.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Минг бир маслаҳат.
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.25 Ёшлар овози.
11.45 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 3-қисм.
12.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.25 Бегойим.
14.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал. 7-қисм.
15.10 Ёшлик наволари.
15.25 «Девона». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 Ҳуқуқ ва бурч.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
17.45 «Мультфильм».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.30 Халқаро музейлар кунига «Қалб садолари». Телефильм.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Аср қиёфаси.
20.00 Ёшлик қўшиқлари.
20.10 Бутунжаҳон тамакига қарши кураш куни олдидан. «Саломат бўлинг».
20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Огоҳ».
18.30, 21.00, 22.55, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05, 21.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 22.35 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Мисли гавҳар».
22.10 2001-йил – Оналар ва болалар йили. «Биз ва болалар».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 ТТВда сериал: «Селеста».
00.30 Кинонигоҳ. «Фарзандларим қаерда?»
2.00-2.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30-8.00
14.00.-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Болалар куйлаганда».
17.05 «Канн фестивалининг кундалиги».
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Дурдаршан».
21.25 «Клип антракт».
21.40 Кинематограф. «Жуманжи». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SHANBA 19

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 12.10 ТВ-метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 «Яшил водий сари». Мультфильм.
10.40 «Телевизион миниатюралар театри».
«Тирик сайёра» кинодастури:
11.15 «Ноилож сайёдлар - 4». Ҳужжатли фильм.
12.15 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.30 ТВ-анонс.
12.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
13.00 ТВ 1 кинотеатри: «Дўсту душман». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.35 «Дўсту душман». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» - «Самарқанд - Динамо», «Насаф» -Нефтчи».
17.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
18.10 «Спорт шанбадан шанбагача».
18.40 «Ранглар жилоси».
18.50 «Бадиий кенгашдан сўнг».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар давраси».
22.35 «Шанба оқшомида». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

23.55 «Аланга». Бадиий фильм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR teleka

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Табобат оламида.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 Аср қиёфаси.
10.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.25 «Абдурашид Саидов куйлайди». Мусиқий фильм.
11.50 ТВ-саёҳат.
12.15 «Рамаяна». Телесериал.
12.50 Муҳаббат қўшиқлари.
13.10 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 4-қисм.
14.00 Сиз соғинган қўшиқлар.
14.20 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий». 1 - кўрсатув.
14.40 Олтин мерос.
14.45 Синфдош.
15.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.55 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий». 2 - кўрсатув.
16.15 «Кўҳна оҳанглар». Абдуҳошим Исмоилов.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
16.50 «Мульттомоша».
17.05 «Бола тилидан».
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 Ёшлар куйлайди.
18.05 «Футбол плюс»
18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Ҳайрат.
20.35, 21.15, 23.00 Эълонлар.
20.40 «Рамаяна». Телесериал.
21.20 2001-оналар ва болалар йили «Она билан болагул билан лола». Мусиқий дастур.
21.30 Кутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 Кинотақдим.
23.05 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 1-қисм.
0.10 Дирижабл.
0.30-0.35 «Хайрли тун!»

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Саломатлик маскани».
18.30 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
19.15 «Эҳтиром ила».
19.45, 20.50, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Интер-спорт».
20.20, 21.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
22.00 «Авто-news».
22.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
23.05 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Диско рақ-қоси».
1.40-1.45 «Хайрли тун, шаҳрим».

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
10.35 « 7 дан 70 гача».
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Экран зийнати ва қиймати».
11.40. Кундузги сеанс: «Доктор». Бадиий фильм.
13.35-14.25 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Интернет ҳудуди».
17.40 «Мюзик-холл».
18.05 Буюк изқувар. Коломбо ва бошқалар.
20.00 «Время».
20.40 «Бизнес-ревю».
20.45 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». Ток-шоу.
21.25 CFI тақдим этади: «Париж метрополитени».
22.15 Кинематограф. «Уч мушкетёр ва малика тақинчоғи». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

YAKSHANBA 20

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий дастур.
9.25, 11.25 ТВ-метео.
9.30 «Гаройибот».
9.45 «Бир том остида». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.00 «Шоҳрух клуби».
11.30 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим - дилбандим».
11.50 Кундузги сеанс. «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
13.20 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
14.10 Кинонанонс.
14.20 М. Турғунбоева хотирасига бағишланган ёш рақ-қосалар Республика кўрик - танлови.
15.00 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. З. Нажмий. «Занжирбанд шер». А. Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм
15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.15 З. Нажмий. «Занжирбанд шер». А. Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 2-қисм.
17.05 «Туҳфа». Мусиқий дастур.
17.30 Киноанонс.
17.35 «Бўстон». Тележурнал.
17.55 ТВ-клип.
18.00 Ойнаи жаҳон тақдимоти. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
21.50 «Футбол олами».
22.20 ТВ-1 намойиш этади. «Якшанба кинозали» :
22.35 Кино янгиликлари.
22.50 Кевин Костнер ва Уитни Хьюстон «Хос соқчи» фильмида.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR teleka

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.20 «Футбол плюс».
9.40 Ёшлар овози.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 Болалар экрани. «Бэмбининг ёшлиги».
11.15 Юлдуз Абдуллаева. «Мен сизни соғиндим».
11.55 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари».
12.35 «Очил дастурхон».
12.50 «Рамаяна». Телесериал.
13.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.45 «Аршин мал-олан». Бадиий фильм.
15.05 Ҳайрат.
15.25 «Эҳтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал.
15.50 Спорт ҳафтаномаси.
16.05 Жаҳон жуғрофияси: «Африка одиссеяси».
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.15 «Мультфильм».
17.30 «Кўҳна оҳанглар». Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар.
17.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.30 Якшанбада кўришгунча.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.40 «Бу мунис лаҳзалар».
20.00, 20.40, 22.25 Эълонлар
20.05 «Рамаяна». Телесериал.
20.45 «Синфдош».
21.10 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари куйлайди.
21.25 «Ҳандалак». Ҳажвий тележурнал.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр»-news.
22.15 Тунги тароналар.
22.30 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.40-23.45 «Хайрли тун!».

TV

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Болалар учун. «Қуралай».
18.20 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда».
19.05 «Спорт-тайм».
19.25, 20.15, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Эҳтиром ила».
20.35, 22.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
22.45 «3 (5».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ. «Янги шеригим».
1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Парле ву франсэ?»
11.45 «Фан-тайм».
11.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Айчурек», «Дидар».
14.10-14.40 Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури.
17.40 Е. Шифрин иштирокидаги концерт дастури.
19.30 «Бизнес-ревю».
19.40 «Чайф» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури.
20.40 «Тенгдошлар».
21.05 «Канн фестивалининг кундалиги».
21.15 Кинематограф. «Уч мушкетёр ва Миледи интиқоми». Бадиий фильм.
22.45 «Таҳлилнома».
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Баланс по ОАО
«УЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ»
на 01.01.2001 год

		(тыс. сум) Дебет	Кредит
1.	Основные средства и НМА	206410	-----
2.	Капитальные вложения	672	-----
3.	Прочие займы	-----	-----
4.	Производственные запасы	228450	-----
5.	Незавершенное производство	76890	-----
6.	Товары на складе	7179	-----
7.	Денежные средства	33166	-----
8.	Дебиторы с поставщиками	246	-----
9.	Прочие дебиторы	1112	-----
10.	Расчеты с бюджетом	22516	-----
11.	Уставный капитал	-----	169057
12.	Резервный капитал	-----	63407
13.	Нераспределенная прибыль	-----	62664
14.	Краткосрочные и долгосрочные займы	-----	103186
15.	Кредиторская задолженность с покупателями	-----	41418
16.	Задолженность в бюджет	-----	79762
17.	Задолженность по заработной плате	-----	5054
18.	Прочие кредиторы	-----	52093
	Баланс:	576641	576641

Достоверность баланса за 2000 год подтверждена аудиторской фирмой «Листопад Аудит Консалтинг». Лицензия № 469 от 19 мая 1998 года.

Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан 1999 йил 2 июлда банкрот деб эълон қилинган Бўка тумани 18-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна (ХМКК-18) ТУГАТИЛДИ

Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 1999 йил 2 апрелда банкрот деб эълон қилинган Амир Темур кўчаси, 62-уйда жойлашган «Ташоблколхозстрой» трести ТУГАТИЛДИ

Тошкент шаҳар Яккасарой туман халқ таълими бўлими томонидан 72-мактаб-лицейи 2000 йил 16 июнда Нигора Эркиновна Жумаева номига берган ОR — V 070558 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-47-80, 133-38-55
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Khaydar NOSIROV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA